

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуни. 11.11.2019 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Инфляция таргетлаш режимига бошқичма-бошқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5877-сонли фармони.
3. John B. Taylor (2019) Inflation targeting in high inflation emerging economies: lessons about rules and instruments, *Journal of Applied Economics*, 22:1, 103-116, DOI: [10.1080/15140326.2019.1565396](https://doi.org/10.1080/15140326.2019.1565396).
4. Bernanke, B.S., Mishkin F.S. "Inflation Targeting: A New Framework for Monetary Policy?" *Journal of Economic Perspectives*, 11 (2) 1997.: 97-116.
5. Bernanke B. Inflation targeting // *Federal reserve bank of St. Luis Review*. – 2004. – p. 165-168.
6. Мусеев С.Р. Инструментарий денежно-кредитной политики центрального банка для таргетирования инфляции. Автореферат на соис. учен. степ. докт. эк. наук. – Москва, 2009. – сс. 49.
7. Burlachkov V.K., Pausheva T.E. Conceptual and practical aspects of inflation targeting. *Russian Journal of Entrepreneurship*/ №10.2018. –pp. 2803-2814. doi: 10.18334/rp.19.10.39476.
8. Бердиназаров З.У. Инфляция таргетлаш режимининг назарий жиҳатлари. 02-07-2018. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/2885-zafar-berdinazarov-inflyatsion-targetlash-rezhimining-nazarij-zhi-atlari>



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Зиёдуллаев Содиқжон Мамадиллаевич -
Термиз давлат университетининг
мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a17

Аннотация. Тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш уларнинг молия бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Рентабелликнинг мўтадил даражасига эришиш активларнинг ликвидлиги ва даромадлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш заруратини юзага келтиради.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, активлар, активларнинг рентабеллиги, кредит, захира, соф фойда, қимматли қоғоз, инвестиция, фоизли маржа, фоизли спрэд.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ РЕНТАБЕЛЬНОСТИ АКТИВОВ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Зиёдуллаев Содиқжон Мамадиллаевич -
Независимый соискатель
Термезского государственного университета

Аннотация. Повышение рентабельности коммерческих банков является одним из обязательных условий обеспечения их конкурентоспособности на финансовых рынках. Достижение нормального уровня рентабельности обуславливает необходимость обеспечения сбалансированности между ликвидностью и доходностью активов.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанных с повышением рентабельности активов коммерческих банков Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: коммерческий банк, активы, рентабельность активов, кредит, резерв, чистая прибыль, ценная бумага, инвестиция, процентная маржа, процентный спрэд.

CURRENT ISSUES OF INCREASING THE PROFITABILITY OF COMMERCIAL BANKS' ASSETS

Ziyodullayev Sodikjon Mamadillayevich -
is an independent scientific researcher at
Termez State University

Annotation. Increasing the profitability of commercial banks is one of the prerequisites for ensuring their competitiveness in the financial markets. Achieving a normal level of profitability necessitates a balance between liquidity and return on assets.

The article identifies urgent problems associated with increasing the profitability of assets of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: commercial bank, assets, return on assets, loan, reserve, net profit, security, investment, interest margin, interest spread.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган [1]. Мазкур йўналишлар доирасида белгиланган вазифаларни ҳал қилиш тижорат банкларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Айни вақтда, республикада тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш борасида бир қатор долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, активларнинг рентабеллик даражаси паст. Бундан ташқари банкларда кредит risksи даражасининг юқори эканлиги активларнинг рентабеллигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Ж.Синкининг хулосасига кўра, тижорат банклари активларининг даромадлигини таъминлашда соф фоизли маржа кўрсаткичи муҳим ўрин тутди. Соф фоизли маржа банк активлари миқдорига тескари мутаносиб бўлгани ҳолда, кредитлар ва депозитлар бозоридаги юқори даражадаги рақобат унинг даражасига кучли таъсир кўрсатади [2].

И.Юдинанинг хулосасига кўра, ривожланаётган давлатларда тижорат банклари активларининг даромадлиги бевосита кредит risksи даражасига боғлиқ бўлиб, миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида хорижий валютада кредит олган мижозларни кредитни қайтара олмай қолишлари кредит risksи даражасини ошириб кетишига олиб келади [3].

В.Усоскиннинг хулосасига кўра, тижорат банклари кредитларининг даромадлиги бевосита кредит портфели билан боғлиқ бўлган асосий risksлари – ликвидлик risksи, фоиз risksи ва кредит risksини бошқариш даражасига боғлиқ [4].

Н.Э. Соколинскаянинг хулосасига кўра, risksларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жилдини шакллантириш, кредитлаш жараёнини бошқариш учун яхши маълумотлар

базасига эга бўлиш кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади [5].

С. Вайн ўз тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, кредитларнинг самарадорлигини таъминлашда кредитлар бўйича ташқил этиладиган захираларнинг даражасини муҳим ўрин тутишини эътироф этган [6].

Ж. Исаков томонидан амалга оширилган эконометрик таҳлил натижалари кўрсатдики, тижорат банклари томонидан хизматлар соҳасига ажратилаётган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасининг ўртача бир фоизга ошиши берилган кредитлар даромадлигини 0,8 фоиз ошишига, берилаётган кредитлар ҳажмининг бир фоизга ошиши кредитлар даромадлиги даражасини 1,8 фоиз камайишига олиб келади [7].

Б. Бердияровнинг фикрига кўра, тижорат банклари регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш, соф фойданинг ўсиш суръати билан жами активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали активларнинг рентабеллигининг барқарор даражасини таъминлаш зарур [8].

Тадқиқот методологияси. “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари активларининг сифати 5 фоиздан 50 фоизгача ва 50 фоиздан ортиқ бўлган шкала бўйича баҳоланади. Бунда активларнинг сифати тижорат банки riskка тортилган активлар суммасини жами капиталга бўлиш ва олинган натижани 100 фоизга кўпайтириш йўли билан аниқланади. Активларнинг сифати кўрсаткичи 50 фоиздан юқори бўлган банклар бешинчи тоифага киритилади ва уларнинг активлари сифати қониқарсиз, деб баҳоланади [9].

Тижорат банклари активларининг сифат кўрсаткичининг меъёрий талаблар даражасида бўлишини таъминлашда riskка тортилган активлар суммасининг ўсиш билан жами капиталнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар riskка тортилган активларнинг ўсиш суръатини жами капиталнинг ўсиш суръатидан ортда қолишига йўл қўйилса ва қисқа вақт ичида ушбу ҳолатга барҳам берилмаса, у ҳолда, тижорат банкида активлар сифати кўрсаткичининг кескин пасайиши кузатилади. Натижада банк рейтинг баҳосини кескин пасайиш ҳолати юз беради.

Базель-II стандартига тавсия этилган кредит risksини баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашувга кўра, кредит олувчининг суверен кредит рейтинги қанчалик юқори бўлса, унга берилган кредитнинг risk даражаси шунчалик паст бўлади. Масалан, суверен кредит рейтинги AAA дан AA гача бўлган давлатларнинг ҳукумат-


ларига ва Марказий банкларига берилган кредит риск даражаси нолга тенг, мазкур давлатлардаги кредит ташкилоларига берилган кредитларнинг риск даражаси 20 фоизга, юридик шахсларга берилган кредитларнинг риск даражаси 20 фоизга тенг [10].

Тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш масаласини тадқиқ қилишда илмий таҳлилнинг эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, индукция ва дедукция усуллари-дан фойдаланилди.

Таҳлил жараёнида расмий статистик маълумотлардан ҳамда хориж банклари ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг амалий маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Тижорат банклари активларининг рентабеллиги соф фойданинг брутто активларга нисбатининг фоиздаги ифодаси шаклида аниқланади. Шу сабабли соф фойданинг ўсиш суръати билан брутто активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш активлар рентабеллигини таъминлашнинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг ҳажмида энг юқори салмоқни кредитлар эгаллайди. Шу сабабли кредитлар рентабеллигини таъминлаш банклар активларининг рентабеллигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади.



1-расм. ТИФ Миллий банки ва Асакабанк активларининг рентабеллиги [11]

1-расм маълумотларидан аниқ кўринадики, 2017-2019 йилларда ТИФ Миллий банкида активларнинг рентабеллик даражасининг ошиши кузатилган, аммо 2019-2021 йилларда ушбу кўрсаткич сезиларли даражада пасайган.

1-расм маълумотларига кўра, Асакабанкда активлар рентабеллиги кўрсаткичи 2021 йилда 2018 йилга нисбатан юқори суръатда пасайган. Бунинг устига, таҳлил қилинган давр мобайнида Асакабанкда активлар рентабеллиги кўрсаткичининг даражаси жуда паст бўлган. Мазкур ҳолатлар Асакабанк активлари рентабеллигини

ошириш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш бевосита соф фоизли маржанинг даражасига ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражасининг динамикасига боғлиқ.

Қуйида соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичларининг даражаси ва динамикасини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси [12]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Соф фоизли маржа	0,9	1,7	2,3	3,3	3,2
Бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси	4,4	6,2	8,9	9,5	9,9

фоизда

1-жадвал маълумотларидан яққол кўринадик, ТИФ Миллий банкида 2021 йилда 2017 йилга нисбатан соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичларининг даражаси ошган. Бу эса, банк активларининг рентабеллигини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, таҳлил қилинган давр мобайнида соф фоизли маржа кўрсаткичини меъёрий даражадан (4,5 %) анча паст бўлганлиги банк активларининг рентабеллигини ошириш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, ТИФ Миллий банкида бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси 2017-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банк активларининг рентабеллигини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Илмий мақолани ёзиш жараёнида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики:

2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банклари активларининг сифатини ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилганлиги банклар активларининг рентабеллигини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

“CAMELS” рейтинг тизимида ва Базель-II стандартида тижорат банклари активларининг рентабеллигини баҳолаш методикалари ўз аксини топган.

2017-2019 йилларда ТИФ Миллий банкида активларнинг рентабеллик даражаси ошиши кузатилган, аммо 2019-2021 йилларда ушбу кўрсаткич сезиларли даражада пасайган.

Асакабанкда активлар рентабеллиги кўрсаткичи 2021 йилда 2018 йилга нисбатан юқори суръатда пасайганлиги ва таҳлил қилинган давр мобайнида активлар рентабеллиги кўрсаткичининг даражаси жуда паст бўлганлиги активлар рентабеллигини ошириш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

ТИФ Миллий банкида 2021 йилда 2017 йилга нисбатан соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси

кўрсаткичларининг даражаси ошган, аммо, таҳлил қилинган давр мобайнида соф фоизли маржа кўрсаткичини меъёрий даражадан (4,5 %) анча паст бўлганлиги банк активларининг рентабеллигини ошириш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банклари соф фойдасининг ўсиш суръати билан брутто активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш мақсадида, биринчидан, соф фоизли даромаднинг ўсиш суръати билан брутто кредитлар ва қатъий белгиланган ставкага эга бўлган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; иккинчидан, муаммоли кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражага етган қисмини банкларнинг баланси билан чиқаришни йўлга қўйиш керак; учинчидан, фоизсиз даромадларнинг ўсиш суръати билан фоизсиз даромад келтирадиган активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим.

2. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг актив операциялар ҳажмидаги салмоғини ошириш йўли билан фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғини оширишни таъминлаш зарур.

Республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланиш даражаси паст. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғи атиги 4,4 фоизни ташкил этди [13].

Республикамизда инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг нисбатан юқори эканлиги қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С.338.

3. Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития и кризисов. Монография. – М.: ИНФРА-М, 2013. – С. 230-231.

4. Уоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – С. 218.

5. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – М., 1999. №9. – С. 150-151.
6. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С. 150-151.
7. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришида кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Т., 2016. – Б. 28.
8. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Т., 2020. – Б. 30.
9. Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.
10. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006. <http://www.bis.org/publications>.
11. ТИФ Миллий банки. Тижорат банкининг баланс ҳисоботи; Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021. Асакабанк. Тижорат банкининг баланс ҳисоботи; Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021. www.asakabank.uz
12. ТИФ Миллий банки. Тижорат банкининг баланс ҳисоботи; Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021. www.nbu.uz.
13. Тижорат банкларининг жамланма баланси. www.cbu.uz



ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИДА БАНК ИННОВАЦИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ходжимамедов Акмал Ашурович -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтини мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a18

Аннотация. Амалга оширилаётган рақамли технологияларнинг, биринчи навбатда, молия бозорига тобора кучайиб бораётган таъсири туфайли замонавий жаҳон иқтисодиёти трансформация ҳолатидадир. Мақолада банк тизимида инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш масалалари кўриб чиқилиб, уларни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: банк, инновация, экотизим, рақамли технологиялар, трансформация, ИТ.

ПУТИ ВНЕДРЕНИЯ БАНКОВСКИХ ИННОВАЦИЙ В ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНОЙ СИСТЕМЕ

Ходжимамедов Акмал Ашурович -
Соискатель Самаркандского
института экономики и сервиса

Аннотация. Современная мировая экономика находится в состоянии трансформации из-за растущего влияния внедряемых цифровых технологий, в первую очередь, на финансовый рынок. В статье рассматриваются вопросы разработки и внедрения инноваций в банковской системе, а также даются выводы и предложения по их совершенствованию.

Ключевые слова: банковское дело, инновации, экосистема, цифровые технологии, трансформация, ИТ.

WAYS TO IMPLEMENT BANKING INNOVATIONS IN THE MONETARY AND CREDIT SYSTEM

Xodjimamedov Akmal Ashurovich -
Researcher of Samarkand institute
of economics and service

Abstract. The modern world economy is in a state of transformation due to the growing influence of the implemented digital technologies, first of all, on the financial market. The article examines the issues of development and implementation of innovations in the banking system, and gives conclusions and suggestions for their improvement.

Keywords: banking, innovation, ecosystem, digital technologies, transformation, IT.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг трансформация жараёнини бошидан кечириши одатда технологик занжирларнинг алоҳида бўғинларига таъсир кўрсатувчи ва бутун жараёнларни қамраб олувчи рақамлаштириш деб аталади. Рақамлаштиришни жорий этишнинг иқтисодий натижаси бўлиб фойдаланиладиган меҳнат ресурсларини ва шунга мос равишда фойдалани-

ладиган инсон ресурсларини қисқартиришдан келиб чиқадиган барча ўзаро боғлиқ харажатлар ҳажмини камайтириш ҳисобланади. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимиз банк тизимида трансформация жараёни амалга оширилмоқда, бу жараён орқали тижорат банклари фаолияти рақамли иқтисодиётнинг технологик талабларига жавоб берадиган юқори хизмат кўр-